

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«БАНК ИШИ» кафедраси

**Кундузги 2-курс «Банк иши» ихтисослиги
талабалари учун**

**ТАНИШУВ АМАЛИЁТИ
ДАСТУРИ**

Тузувчилар: К.Н.Наврүзова
Рахмонов И.Х.

“Банк иши” кафедрасининг
27 май 2006 йил ____-сонли

мажлисида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Кафедра мудири: И.ф.д. Ш.З. Абдуллаева _____

Тошкент-2006

I. ТАНИШУВ АМАЛИЁТИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарорига асосан тасдиқланган давлат стандартига асосан 5340700 – «Банк иши» бакалавр йўналишида таълим олувчи талабалар IV семестрнинг охирида 3 ҳафталик танишув амалиёти ўташлари лозим.

Танишув амалиётини ўтказишдан мақсад талабаларнинг ўз мутахассислик соҳаси тўғрисидаги фикр ва тасаввурини бойитиш, уларни республика банк тизими, уларнинг таркибий тузилиши, уларнинг вазифа ва функциялари, тижорат банклари томонидан бажариладиган миниоперациялар, банк фаолиятининг илк қоидалари билан таништиришдан иборат.

Амалиётнинг асосий вазифаси: назарий жиҳатдан олинган билимларни мустақамлаш, Халқ банки муассасалари мисолида тижорат банкларининг тузилиши ва операцияларини ўрганишдан иборат.

II. ТАНИШУВ АМАЛИЁТИНИНГ МАЗМУНИ

1. Халқ банкнинг ташкил этилиши, ривожланиш тарихи, ташкилий тузилишини ўрганиш.

Талабага Халқ банкнинг (бўлим, филиал, бошқарма) ташкил этилиши, унинг қисқача ривожланиш тарихини ўрганиш; ушбу Халқ банки муассасасининг ташкилий тузилишини, ҳар бир бўлимнинг вазифаларини ўрганиш; талаба Халқ банки бўлимларининг бажарадиган операциялари ва ваколатларини ёритиш вазифалари юклатилади.

2. Халқ банкнинг асосий операцияларини ўрганиш.

Халқ банкнинг аҳоли билан боғлиқ операциялари бўйича амалиёт материалларини тўплаш, ўрганиш ва изоҳ бериш.

а) Аҳоли омонатлари, уларнинг турлари. Аҳолига омонат турларини очиш, омонат дафтларини ёпиш, мерос қолдириш ва бу операцияларни расмийлаштириш.

б) Аҳолининг ҳисоб-касса операциялари, яъни коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, улар бўйича нақд пул ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўтказиш ва расмийлаштириш.

в) «Талаба» ва «Таҳсил» кредити. Уларни бериш қоидалари, ҳужжатларни расмийлаштириш, кредитни қайтариш ва фоиз тўлаш усуллари.

Танишув амалиёти бўйича талабага мутахассислик кафедрадан амалиётга раҳбарлик қилувчи ўқитувчи ва банкдан амалиётчи талабанинг фаолиятини ҳар куни назорат қилувчи раҳбар банк ходими тайинланади.

III. ТАНИШУВ АМАЛИЁТИНИ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА АМАЛИЁТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Талаба танишув амалиётини ўтиш даврида Халқ банкида ўрнатилган ички иш тартибига риоя қилиш ва банкнинг жамоат ишларида актив иштирок этиши керак.

Амалиёт ўтаётган талаба дастурда кўрсатилган барча вазифаларни бажариши, банкнинг йўриқнома, қонун-қоидалари, хатлари билан танишиб бориши лозим.

Танишув амалиёти 2 таркибий қисмдан иборат. Булар:

1. Халқ банкнинг таркиби ва структураси.

2. Халқ банкнинг бажарадиган асосий операциялари.

Амалиёт давомида талаба кундалик юритиб унда ҳар куни бажарган ишларини ёритиб бориши керак. Кундаликда бажарилган ишлар қуйидаги шаклда ёзилиб борилади.

Сана	Иш жойи	Бажарилган ишлар	Раҳбарнинг имзоси
------	---------	------------------	-------------------

Ҳар бир иш кунининг охирида шу кунги амалиёт учун раҳбарлик қилган ходими талабанинг бажарган ишларини кундалик дафтарига ўз имзосини қўйиши орқали тасдиқлайди.

IV. БАНҚДАГИ ЎҚУВ АМАЛИЁТИ РАҲБАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Банк қарори билан талабалар амалиёт ўтиши учун қабул қилинадилар ва амалиёт раҳбари тайинланади. Амалиётнинг умумий раҳбари ҳамда ҳар бир ишчи ўрнида алоҳида раҳбар тайинланади.

Амалиёт бўйича раҳбар амалиёт бошланиши билан уч кун ичида талаба билан биргаликда амалиёт графигини қуйидаги шаклда тузиши лозим.

Иш жойи	Иш жойидаги раҳбарининг Ф.И.Ш.	Амалиёт бошланиши	Муддати тугаши	Мустақил хизмат кўрсатиш учун корхона номлари	Ҳисоботни топшириш муддатлари
----------------	---------------------------------------	--------------------------	-----------------------	--	--------------------------------------

Банк раҳбарияти томонидан тасдиқланган график асосида умумий раҳбар талабанинг ўқув амалиёти давомида бир иш жойидан 2-иш жойига жойлаштиради ва назорат қилиб туради. Ҳар бир белгиланган иш жойида амалиётни таъминлаган банк ходими раҳбарлик қилади. Амалиёт тугагандан сўнг умумий раҳбар талаба амалиёт давридаги фаолиятига тавсифнома бериб, унинг қайси иш жойида мустақил ишлай олиши, хулқ-атвори, берилган вазифа ва топшириқларни бажара олиш қобилияти ва бошқалар тўғрисида ёзма хулосасини талабанинг амалиёт кундалигида келтириши зарур.

V. ТАЛАБАНИНГ ТАНИШУВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТИ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Танишув амалиёти бўйича ҳисобот ҳар бир иш жойи бўйича алоҳида тузилади.

Аввало, амалиёт ўтилган банк ҳақида умумий маълумотлар келтириб, қуйидагиларни ёритиш талаб қилинади:

1. Қайси банкда қайси муддатларда амалиёт ўтилди;
2. Амалиёт даврида қайси мавзулар билан танишилди;
3. Хизмат кўрсатиладиган миқдорлар сони;
4. Банк операцияларининг компьютерлаштириш аҳволи;
5. Банк ҳақида ўз таассуротлари.

Ҳар бир ёритилган мавзулар амалий маълумотлар ва расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тўлдирилиши керак. Амалиёт сўнгида банк раҳбари амалиётчига тавсифнома бериши керак.

Ўқув амалиёти тугагандан сўнг талаба «Банк иши» кафедрасига уч кундан кечикмасдан қуйидагиларни топширишлари лозим:

1. Банк томонидан бериладиган тавсифнома;
2. Банк раҳбари томонидан тасдиқланган кундалик;
3. Дастурда кўрсатилган бўлимлар бўйича ҳисобот.

Ҳисоботнинг тузилиши қуйидагича бўлиши лозим:

1. Халқ банкининг тузилиши, ривожланиш тарихи, структураси ва бўлимлар томонидан бажариладиган операциялар.
2. Банк операциялари бўйича амалиёт материаллари ва уларнинг тавсифи ва таҳлили.

Ҳисоботга тақриз олингандан сўнг кафедра томонидан белгиланган муддатларда ҳисобот комиссия олдидан оғзаки ҳимоя қилинади.

Ҳисоботни ҳимоя қилиш муддати "Банк иши" кафедраси томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ҳисобот бўйича талабанинг билими «аъло», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» баҳоланиши мумкин.